

ҚАДАМ САЙИД МУРОД

НАЗМ ГУЛШАНИ

НА ГУНОҲИМ БОР МАНИ

(Шеърлар)

Ташкент
«Езувчи» нашриёти

Сайид Мурод Қадам.

На гуноҳим бор мани: (Шеърлар) — Т.: Ёзувчи,
1996. 32 б. (Назм гулшани).

Шоир Қадам Сайид Муроднинг навбатдаги «На гуноҳим бор мани» китоби машқур хонандалар Отажон Худойшукуров, Нуриддин Ҳамроқулов, Қамолиддин Раҳимов, Ортиқ Отажонов, Оқунжон Мадалиев, Юлдуз Абдуллаева, Султонпошиша Удаевалар ижро этган қўшиқлардан ба янги шеърлардан таркиб топган.

Бу китобга кирган шеърлар ишқ-муҳаббатни улуғлаш, она-
ватанга садоқат руҳида ёзилган.

Уз2

C 4702620202—12 19—1992
M 363 (04)—96

ISBN 5—8155—0111—6

© Қадам Сайид Мурод, 1996 й.

ОҚҚАН ДАРЁ ОҚАДИ ҚАЧОН

Кимдан сўрай, тилайин кимдан,
Ичим куяр ичим-ичимдан,
Ер нега жим, кўк нега жимсан,
Оққан дарё оқади қачон?

Үчмас чироқ дерлар Хоразм,
Тарих-кўзгу, кўрдим оразин,
Тинглаб дали дарё ноласин,
Оққан дарё оқади қачон?

Замонанинг зайлими Орол,
Гужумлар-чўп, чинорларим-тол,
Қулоги кар, эй тиллари лол,
Оққан дарё оқади қачон?

Фигонимдан чиқиб борар дуд,
Хотиротлар бўлмагай унут,
Жалолиддин, Паҳлавон Маҳмуд —
Оққан дарё оқади қачон?

Тунлар-армон, кунлар гумонли,
Аросатда қўйдим имонни,
Суюнчига берайин жонни,
Оққан дарё оқади қачон?

ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ

Билдим, энди омонатдир жон,
Кўринмади юртнинг қораси.
Онажоним, жоним онажон,
Кимга қолар кунинг Хоразм?

Сўнгги нафас-ўкинч, ўтинчим,
Жон узилар, лекин илинжим...
Занглар бўлса менинг қиличим
Кимга қолар кунинг Хоразм?

Кўкда хазон, ерда хор бўйи,
Қўлим етмас, етмайди бўйим,
Орзу, армён, хотирот, ўйим,
Кимга қолар кунинг Хоразм?

Ўлим ҳақдир, тасалло оғир,
Аросатда куяди бағир,
Юмолмайман кўзимни ахир,
Кимга қолар кунинг Хоразм?

Худолигин қилмади худо,
Бўғзимдаги әнг сўнгги нидо,
Алвидо, алвидо, алвидо,
Кимга қолар кунинг Хоразм?..

БИР ЯХШИ КУН КЕЛАДИ ҲАЛИ

Ўғлим Улугбекка

Бир яхши кун келади ҳали,
Тонглар отар ҳали ўзгача.
Бугун армон ўртайди мани,
Умид — ҳар тун, орзу — ҳар кеча.

Бошим тошдан, тўшакларим тош,
Юракда дард, зирқирап таним.
Бугун мени кўзларимда ёш,
Бир яхши кун келади ҳали.

Ҳеч кимсани сотмайди ҳеч ким,
Ғанимларим бўлади ғани.
Эртага ё индинга бир кун —
Бир яхши кун келади ҳали.

Зулмат ичра қолмас ҳақ, имон,
Бугун етмас етмаса алим.¹
Ўзим кафил, бешак, бегумон,
Бир яхши кун келади ҳали.

Ҳар тонг-саҳар бошлайди бошдан
Қадам, қани, айтганинг қани?
Умрим ўтди, болам, сен ишон,
Бир яхши кун келади ҳали.

1988

МАРД БЎЛГИН, БОЛАМ

Ўғлим Музаффарга

Бандасига бўлмагин банда,
Хоҳ ерда юр, хоҳ уч фалакда,
Икки кўзим, юрагим санда,
Мард бўлгин, болам.

Ёлғони кўп бунинг, чини кам,
Тили мингдир, содик дили кам,
Бири камда бўлма бири кам,
Мард бўлгин, болам.

¹ Алим — қўлим.

Ёр суйганга дунё бўлар ёр,
Кенгга кенг-у торга эса тор,
Номардга бош эгмагин зинҳор,
Мард бўлгин, болам.

Фарзанд ўчмас ягона чироқ,
Элнинг юзи доим бўлсин оқ,
Гоҳ чапга боқ, гоҳо ўнгга бок,
Мард бўлгин, болам.

Ўзинг учун йиғлама, қўзим,
Жоним, очиқ кетмасин кўзим,
Энг биринчи, энг сўнгги сўзим,
Мард бўлгин, болам.

БЕКЛИК ҚИЛГИМ КЕЛАВЕРАДИ

Не қилгандим юракка ахир,
Жисмимга ўт бераверади.
Мен бир гариф,
Бўлсам-да фақир —
Беклик қилгим келаверади.

Қайтар дунё...
Бобом, хотирот —
Кўкрагимни кераверади.
Тушларимга киради Ғирот,
Беклик қилгим келаверади.

Улмаган қул ўлмас ҳеч қачон,
Қуллар нега кўраверади?
Орзу ёмон,
Армонлар ёмон,
Беклик қилгим келаверади.

Бу қандай дард,
Бу қандай ҳасрат,
Тўккан билан тўлаверади.
Сўролмайман ҳеч кимдан шафқат,
Беклик қилгим келаверади...

КИМ ЭСА...

Тоғни талқон қилганда «шерлар»,
«Мардлар» дали-дарёни тўсди.
Достон ёзиб, оқди-ю шеърлар,
Ким эса ўсди.

«Саҳролардан қолмайди нишон,
Гул бўлади элнинг кам-кўсти».
Ҳар бир сўзга тақилди нишон,
Ким эса ўсди.

Дарёлар-чўл, тоғлар, мана, кўл,
Табиатдан турдилар устун.
Оҳ «олтин қўл», э воҳ, «олтин қўл»,
Ким эса ўсди...

Шон-шарафим, бахтим деб пахта,
Сап-саргайиб минглар қон қусди.
Кимдир минди баландроқ тахтга,
Ким эса ўсди.

Дард узра дард, ғам устига ғам,
Ғаним кулиб, йиглади дўстим.
Сен кар элинг, кўр эдинг Қадам,
Ким эса ўсди...

1987

АЖАБ ДУНЁ ЭКАН БУ ДУНЁ

Сийнамдаги сар дафтарим — дард,
Дилиммас, тил булбулигё.
Бир куни мард, бир куни номард,
Ажаб дунё экан бу дунё.

Гоҳ сифати, гоҳо сони кўп,
Шоҳи — гадо, дарвеш — хони кўп,
Хизирназар қилган жони кўп,
Ажаб дунё экан бу дунё.

Тупроғи — дур, тошлари — олмос,
Ўз-ўзига тик боқаолмас,
Қиёматга қасоси қолмас,
Ажаб дунё экан бу дунё.

Сувратию сийрати бошқа,
Арзимайди бир томчи ёшга,
Алишгувчи тиллони тошга,
Ажаб дунё экан бу дунё.

На бир Хорун ва на Ҳотамга,
Вафо қилган қайси одамга,
Ғам узра ғам берган Қадамга,
Ажаб дунё экан бу дунё.

НА ГУНОҲИМ БОР МАНИ?!

Куйди дилим зор мани,
Ёлғиз бошим хор мани,
Воҳ, найладинг, ёр, мани,
Қора сочим қор мани,
На гуноҳим бор мани?!

Тонглар отди — кўзда ёш,
Кунлар ботди — кўзда ёш,
Билмадинг-ай бағри тош,
Куйди дилим зор мани,
На гуноҳим бор мани?!

Кунлар қора — тун бугун,
Бағрим яра, хун бугун,
Бу не бало кун бугун,
Ёлғиз бошим хор мани,
На гуноҳим бор мани?!

Қаҳринг бунча қотди, ёр,
Бахт қуёшим ботди, ёр,
Қара, ҳамма бахтиёр,
Қора сочим қор мани,
На гуноҳим бор мани?!

Севган гулим, хўш энди,
Дарди дилим, хўш энди,
Умру куним бўш энди,
Воҳ, найладинг, ёр, мани,
На гуноҳим бор мани?!

НЕ ҚИЛАЙ, КҮНГИЛ

Ўйнаганим фақат ўт бўлди,
Йиғлашганим бўлди фақат гул.
Ҳамманинг ҳам умри бут бўлди,-
Аммо, лекин,
Не қилай, кўнгил...

Кетган баҳор қайтиб турибди,
Шому наҳор қайтиб турибди,
Йиллар ҳукмин айтиб турибди,
Аммо, лекин,
Не қилай, кўнгил...

Бағримдаги энг ёруғ юлдуз,
Худо бир деб, сиз бир деб, ёлғиз,
Менсиз яшаб кетди ўша қиз,
Аммо, лекин,
Не қилай, кўнгил...

Шу бир ўтни сўндирай десам,
Тақдир десам, кун кўрай десам,
Чап кўксимни кўндирай десам,
Аммо, лекин,,
Не қилай, кўнгил...

БУ ДУНЁГА МЕН НЕГА КЕЛДИМ

Кимнинг бахти қулар қўйнида,
Тавқи лаънат кимнинг бўйнида,
Сен тақдирнинг бир ўйини-да,
Бу дунёга мен нега келдим?

Кўзларимга ботади юлдуз,
Тушларимда қошлари қундуз,
Оҳларим-тун,
Ҳасратим-кундуз,
Бу дунёга мен нега келдим?

Эй, ошиги доим олчилар,
Жиссимишни бир армон қамчилар,

Бир фол очинг, қани, фолчилар,
Бу дунёга мен нега келдим?

Ёлғиз жонда шунчалар тоқат,
Замин узра йўқ экан шафқат,
Юрак битта мендами фақат,
Бу дунёга мен нега келдим?

Пешонамда маржон-маржон тер,
Бир парча ер энди мени ер,
Отам не дер,
Болам нима дёр,
Бу дунёга мен нега келдим?

СИЗ УЧУН

Сиз учун юрагим қўлимда дойим,
Сиз учун тилагим тилимда дойим,
Сиз борки, бу дунё дилимда дойим,
Бир умр, то абад, мангу илойим,
Ҳамиша сақласин сизни Худойим.

Тоңг отса шукрумсиз, кун ботса ҳушим,
Кундузлар хаёлим, ухласам тушим,
Бахт бўлиб бошимга қўнгувчи қўшим,
Бир умр, то абад, мангу илойим,
Ҳамиша сақласин сизни Худойим.

Сиз пари фарзанди, малаксиз манга,
Сфтоб-у моҳитоб, фалаксиз манга,
У дунё, бу дунё кераксиз манга,
Бир умр, то абад, мангу илойим,
Ҳамиша сақласин сизни Худойим.

Сизга сўз тегмасин, тегмасин кўзим,
Минг бора айланиб, ўргилай ўзим,
Дуслар қилурман кечакундузим,
Бир умр, то абад, мангу илойим,
Ҳамиша сақласин сизни Худойим.

На хато, жазо бор, Қадамга келсин,
На жафо, нидо бор, Қадамга келсин,
На бало қазо бор, Қадамга келсин,
Бир умр, то абад, мангу илойим,
Ҳамиша сақласин сизни Худойим.

ЗОР ЭТИБ

Қорлар ёғди, қор устига қор этиб,¹
Гул-лолани, бор чечакни хор этиб,
Кўзларимга кенг жаҳонни тор этиб,
Кетавердинг изларингга зор этиб,
Яшолмасман мен ўзгани ёр этиб!

Зулфинг ёқиб, зулминг ёмон ўртади,
Гоҳо гумон, гоҳо забон ўртади,
Ойлар, йиллар, ўтди ҳижрон ўтмади,
Кетавердинг изларингга зор этиб,
Яшолмасман мен ўзгани ёр этиб!

Оҳлар чекдим, сен оҳимга етмадинг,
Ўйнаб-кулиб пешонамга битмадинг,
Минг ўргилдим, бир айланиб кетмадинг,
Кетавердинг изларингга зор этиб,
Яшолмасман мен ўзгани ёр этиб!

Ширин орзу, армонларим дор бўлди,
Ним табассум шунчалар ор бўлди,
Сенга нафрат, менга ҳасрат кор бўлди.
Кетавердинг изларингга зор этиб,
Яшолмасман мен ўзгани ёр этиб!

Мард йигитга сўймоқ ўзи баҳт экан,
Суйиб-суйиб куймоқ ўзи баҳт экан,
Ҳижрон дардин туймоқ ўзи баҳт экан,
Кетавердинг изларингга зор этиб,
Яшолмасман мен ўзгани ёр этиб!

ҚАЙТИНГ ЭНДИ, ТУРНАЛАР!

Сизга умид, сизга армон боғланди,
Қайтинг энди, қайтинг энди, турналар!
Гоҳ ҷоғланиб, гоҳо дилим доғланди,
Қайтинг энди, қайтинг энди, турналар!

Йўлларида бўзлаб-бўзлаб ўтмайин,
Кўринганга сўзлаб-сўзлаб ўтмайин,
Умрим бўйи кўзлаб-кўзлаб ўтмайин,
Қайтинг энди, қайтинг энди, турналар!

¹ Қор этмоқ — жаҳл билан, қаҳр этиб [шевз].

Оппоқ-оппоқ қанотингиз толмагай,
Баҳор сизнинг ортингиздан қолмагай,
Ҳижрон дилга ортиқ доғин солмагай,
Қайтинг энди, қайтинг энди, турналар!

Куйдиринглар қишининг қаро қаҳрини,
Билдиринглар ул санамга аҳдини,
Қулдиринглар мен ғарифнинг баҳтини,
Қайтинг энди, қайтинг энди, турналар!

ХАЙР ЭНДИ, ХҮШ ЭНДИ

Орзуларим — ҳар дам хаёл, туш энди,
Дилим сенда, сенда ақлу — хуш энди,
Армонларим, ҳасратларим қўш энди,
Сенсиз менга икки дунё бўш энди,
Икки дунём, хайр энди, хўш энди!

Сендек санам, қоши қалам қош йўқдир,
Дийданг каби метин йўқдир, тош йўқдир,
Мендек куйтан на бир кекса, ёш йўқдир,
Сенсиз менга икки дунё бўш энди,
Икки дунём, хайр энди, хўш энди!

Ишқ бир илинж, қудрат экан, куч экан,
Ишқ аҳли баҳт-саодатга ўч экан,
Ишқсиз юрак — тубсиз ковак, пуч экак,
Сенсиз менга икки дунё бўш энди,
Икки дунём, хайр энди, хўш энди!

Сайлаб-сайлаб, ўзим суйиб сайладим,
Исмингни мен жисмимга жон айладим,
Энди қуруқ жисму-жонни найладим,
Сенсиз менга икки дунё бўш энди,
Икки дунём, хайр энди, хўш энди!

Чора йўқдир қылса тақдир ғайрилик,
Кулиб кетгин боқмай ортга қайрилиб,
Ўтда, сувда, еру кўкда айрилиқ,
Сенсиз менга икки дунё бўш энди,
Икки дунём, хайр энди, хўш энди!

АТИРГУЛИМ...

Атиргулим, атрингни соч.

Шерали Жўраев.

Бир жуфт оҳу
Бир жуфт олма,
Қирқилмаган қирқ ўрим соч...
Қаро ерга мени қормай,
Атиргулим, атрингни соч.

Кўнгим хуши,
Бахтим қуши —
Кўша қоши — ой-қалдирғоч.
Икки дунём, ўнгу тушим,
Атиргулим, атрингни соч.

Атиргулим,
Жони-дилим,
Баҳорим бўл, бағрингни оч.
Бир ўзингта қолди куним,
Атиргулим, атрингни соч.

Мен бир суйиб
Куйган кўнгил,
Бошимдаги ягона тож.
Пешонамга битмаган гул,
Атиргулим атрингни соч...

ЁМОНДИР

Умид — туман, то абад гумон ёқса ёмондир,
Тун куйдириб, тонг-саҳар, аzon ёқса ёмондир,
Чечак ёқса, гул ёқса, хазон ёқса ёмондир,
Ширин забон кул айлаб, армон ёқса ёмондир,
Емон ёқса ёмондир, замон ёқса ёмондир.

Кўнгил шоҳдир азалдан, тан бир анинг қули-ку,
Чўлу саҳро, саҳро-чўл — бир куйганинг қули-ку,
Энди сабил бу жоним, бир нигоҳнинг хуни-ку,
Бошимдаги ушбу кун минг дўзахнинг қуни-ку,
Умид — туман, то абад гумон ёқса ёмондир.

Үн саккиз ёш бошқа-я, қирчиллама қирқда гап,
Баҳср бошқа, ёз бошқа, бу ёғи куз, қиши тараф,
Оқшом кечар ҳар кечә мени бир-бир нимталаб,
Оқ тушибди сақолга, кўрдим бугун эрталаб,
Тун куйдириб тонг-саҳар, аzon ёқса ёмондир.

Бир гуничага сиғиниб, ул очилмай сўлдим ман,
Аlam мени қурутди, ҳасрат билан тўлдим ман,
Бўлди дедим юракка, бўлгунимча бўлдим ман,
Қайта-қайта жон бердим, қайта-қайта ўлдиғ ман,
Чечак ёқса, гул ёқса, хазон ёқса ёмондир.

Чора йўқdir чорласам, минг бор десам, кел энди,
Эрта кўrap кунларим шу бугундан билинди,
Турфа-турфа жабрдан, турли-турли тилиндим,
Бу дунёга сиғиниб, у дунёга илиндим,
Ёмон ёқса ёмондир, замон ёқса ёмондир.

ТИЛАК

Исоқ ота Абдулло ўғлига

Тош бўлсин майлига сирдошинг сенинг,
Қуш бўлса, хуш бўлсин тилдошинг сенинг,
Тилагим: ҳақ бўлгай дилдошинг сенинг,
Ва лекин бир умр элдошинг сенинг,
Ғаргалар бўлмасин йўлдошинг сенинг.

Баҳорлар ўтса ҳам, қишлиар ўтса ҳам,
Ноҳушлар ўтса ҳам, хушлар ўтса ҳам,
Йўғрилиб, йўғрилмай тушлар ўтса ҳам,
Нокаслар ёқангдан мангу тутса ҳам,
Қаргалар бўлмасин йўлдошинг сенинг.

Эр йигит номуси, ори биландир,
Шаҳд этса қасдию қори биландир,
Гоҳ гулбаҳори, гоҳ хори биландир,
Ҳар неки эл эътибори биландир,
Қаргалар бўлмасин йўлдошинг сенинг.

Бир соат яшагин, бир дам яшагин
Бири кам дунёда бир кам яшагин,
Қорин деб Қорунмас, Ҳотам яшагин,
Ва лекин то абад одам яшагин,
Қаргалар бўлмасин йўлдошинг сенинг.

Луқмаи пок есанг ошинг чиройли,
Йигласанг юракдан ёшинг чиройли,
Оҳ, Қадам, қор қўнган бошинг чиройли,
Дўсту ёр, ўртоқ, йўлдошинг чиройли,
Қарғалар бўлмасин йўлдошинг сенинг.

ХУШХАБАР КЕЛДИ

Сўзи бир ўзидан хушхабар келди,
Туш эрмас, ҳуш эрдим тонг-саҳар келди,
Илинжим, севинчим бир сафар келди,
Бир сафар келди-ю, минг самар келди,
Сўзи бир ўзидан хушхабар келди.

Шукурлар қилурман яратган Ҳаққа,
Ўзимни ўзимга талатган Ҳаққа,
Руҳимни ҳукмига қаратган Ҳаққа,
Тўй қилиб берурман тани тупроққа,
Сўзи бир ўзидан хушхабар келди.

Бу дунё-дунёси сўзга илинмас,
Сўзга илинса ҳам кўзга илинмас,
Дўзах ваҳми ортиқ бизга билинмас,
Энди ишим менинг ўзга биланмас,
Сўзи бир ўзидан хушхабар келди.

Ёлғончи дегани-хиёнат экан,
Макру ҳийлалари зиёдат экан,
Изласанг топилмас диёнат экан,
Аҳли иймонларга қиёмат экан,
Сўзи бир ўзидан хушхабар келди.

Одам бўлиб Қадам, ҳикматга қара,
Ҳотам бўлиб Қадам, ҳимматга қара,
Аълам бўлиб Қадам, қудратга қара,
Адам бўлиб Қадам, ҳурматга қара,
Сўзи бир ўзидан хушхабар келди.

ҲОЛИНГ ЁМОН, ҚАДАМЖОН

Сочларингни оқи кўп,
Бу дунёning тоқи кўп,
Елғиз дилнинг оҳи кўп,
Ҳолинг ёмон, Қадамжон.

Ёмон суйган ёмон-да,
Ёмон куйган ёмон-да,
Ҳамма бахтли замонда,
Ҳолинг ёмон, Қадамжон.

Бир сумбил соч—минг оғриқ,
Дард узра у дард ортиқ,
Осмон узоқ, ер қаттиқ,
Ҳолинг ёмон, Қадамжон.

Жон ичра жон... Жон қани,
Дўст биларсан ҳаммани,
Эй воҳ сани, воҳ сани,
Ҳолинг ёмон, Қадамжон.

Ким ки жўшса жўш деб қўй,
Бу ёлғончи бўш деб қўй,
Хайр деб қўй, хўш деб қўй,
Ҳолинг ёмон, Қадамжон...

БУ ДУНЁДА ХУДОЛАР ЙЎҚ

Хатолар кўп, жафолар ҳам,
Сурсанг кайфу сафолар ҳам,
Бевафолар, вафолар ҳам,
Бу дунёда худолар йўқ.

Мен адашдим, осмонлар жим,
Нечун қибла тамонлар жим,
Ширин забон-замонлар жим,
Бу дунёда худолар йўқ.

Минбар кулар ёлғон билан,
Ҳеч ким ёнмас ёнган билан,
Бу дунёда қолган билан,
Бу дунёда худолар йўқ.

Суянганим-сув экан дўст,
Шайтонлардан қув экан дўст,
Якка-ёлғиз у экан дўст,
Бу дунёда худолар йўқ.

Дами шамшир одамлар кўп.
Дасти дароз Ҳотамлар кўп,
Ҳақ деб юрган Қадамлар кўп,
Бу дунёда худолар йўқ...

ШАЙТОНЛАРИНГ КЎП ЭКАН

Шоҳа-шоҳа армонинг,
Шода-шода тўп экан.
Якка-ёлғиз Раҳмонинг,
Шайтонларинг кўп экан.

Боғларингда зоф кўрдим,
Ой юзингда доғ кўрдим,
Камни комил, соғ кўрдим,
Шайтонларинг кўп экан.

Фикри ўйим қилиб жам,
Яшаб бўлмас хотиржам,
Ака, ука, дўстдан ҳам,
Шайтонларинг кўп экан.

Тилу дилда Қуръоним,
Қуръонимдир қуролим,
Имоним бир Туроним,
Шайтонларинг кўп экан.

Қадам, бошинг ҳам бўлсин,
Ҳақ деб сийнанг нам бўлсин,
Майли, биринг кам бўлсин,
Шайтонларинг кўп экан.

МЕН ЙИҒЛАМАЙ, КИМ ЙИҒЛАСИН

Кўр кунларим кўп экан-ку,
Кар кунларим кўп экан-ку,
Гужумларим чўп экан-ку,
Мен йигламай, ким йигласин?!

Армон надир-бильмас эдим,
Меҳнат — бахт деб тинмас эдим,
Бағримни ҳеч тилмас эдим,
Мен йигламай, ким йигласин?!

Орзуларим хато бўлди,
Хатолар бехато бўлди,
Бўғзимга бир нидо тўлди,
Мен йигламай, ким йигласин?!

Кунда байрам, тўймас экан,
Кўрганим туш-ўймас экан,
Хотиротлар қўймас экан,
Мен йигламай, ким йигласин?!

Оҳ, дейману оҳим оғир,
Кўксимдаги доғим оғир,
Бу дунёга келдим ахир,
Мен йигламай, ким йигласин?!

НАФС

Нафс итига, жўралар, мен жонимни талатдим,
Жоним надир, бир умр имонимни талатдим,
Еган оғиз уялар, забонимни талатдим,
Орзуларим пуч энди, армонимни талатдим,
Ёлғончига яхшию ёмонимни талатдим.

Бир яхшига биттамас, мингта ёмон экан-ку,
Захри қотил забондан охирзамон экан-ку,
Бу кунларим омонат, эртам гумон экан-ку,
Дўзах ваҳми юракда, жиссимида жон әкан-ку,
Ёлғончига яхшию ёмонимни талатдим.

Номард қурган кўприкдан ўтдим, бошим хам энди,
Қўпар қора қиёмат ҳар куни ҳар дам энди,
Миннат мени ўлдирап, дилда номус, ғам энди,
Бу бир кам дунёнинг менга мингги кам энди,
Ёлғончига яхшию ёмонимни талатдим.

Кулмай туриб аввало ким йигласа — бахтлидир,
Ўзганимас, ўз бағрин ким тиғласа — бахтлидир,
У дунё деб бунга гар ким сиғмаса — бахтлидир,

**Фойда надир, на зиён, ким билмаса — вақтидир,
Ёлгончига яхшию ёмонимни талатдим.**

Салом берсанг нокасга, сени бир чўп, хам этар,
Тўпифингга чиқмасдан, тўпифидан паст этар,
Фоний дунё боқий-ла қачонгacha баҳс этар,
Қадам, уйғон ғафлатдан, Қадам, бўлди, бас, этар,
Ёлгончига яхшию ёмонимни талатдим.

БИР ҚИЗ БОР

Ёлгончимас, мангудир —
Бу дунё чин, баҳтиёр.
Лабларимда кулгудир,
Бу дунёда бир қиз бор.

Қиши ўткинчи бир фасл,
Қуз ўткинчи бир фасл,
Баҳор, баҳор муттасил —
Бу дунёда бир қиз бор.

Қунлар ўтиб борадир,
Йиллар ўтиб борадир,
Жон ажалдан тонадир,
Бу дунёда бир қиз бор.

Бугун ўзга Қадамман,
Девонаман, Ҳотамман,
Мен бир яхши одамман,
Бу дунёда бир қиз бор.

Дилда, тилда лахча чўғ,
Хотин, қўнглинг бўлсин тўқ,
Мендан бошқа йигит йўқ,
Бу дунёда бир қиз бор.

СИЗГА ХАБАР ЮБОРДИМ

Турналарга айтиб кўнгил розимни,
Фалаклардан сизга хабар юбордим.
Гоҳ кулдириб, гоҳ йиглатиб созимни,
Юраклардан сизга хабар юбордим.

Йўл юрсангиз йўлларингиз нур бўлсин,
Тупроқ-олтин, тош олсангиз дур бўлсин,
Муҳаббатли диллар доим бир бўлсин,
Тилаклардан сизга хабар юбордим.

Исмим айтиб куйлаб оқса булоқлар,
Хушхабарга тўлар яқин-йироқлар,
Гул-лолалар бир кун мени сўроқлар,
Чечаклардан сизга хабар юбордим.

Ишқ аҳлининг буюк экан камоли,
Тилларимда Лайли, Ширин қаломи,
Ийллар аро етар соғинч саломим,
Эртаклардан сизга хабар юбордим.

МЕН СИЗНИ, АЗИЗИМ...

Кўкка боқиб юлдуз санайман,
Гоҳи кеча, кундуз санайман,
Сочларимни минг хил тарайман,
Соғинаман, йўллар қарайман,
Мен сизни... Мен сизни, азизим,
Соғинаман, йўллар қарайман.

Тилда, бугун, юракда бир чўғ,
Дардларимда, тилакда бир чўғ,
Ерда, сувда, фалакда бир чўғ,
Мендек жони ҳалакда бир чўғ,
Мен сизни... Мен сизни, азизим,
Соғинаман, йўллар қарайман.

Ўйлайману, ўйларим битмас,
Сизсиз кечам, кундузим ўтмас,
Ҳаё ўртар, сўзларим етмас,
Ҳаёлимдан хаёли кетмас,
Мен сизни... Мен сизни, азизим,
Соғинаман, йўллар қарайман.

КИМ УЗДИ ГУЛНИ, КИМ УЗДИ?

Чаман ичра бир гуллим йўқ,
Ким узди гулни, ким узди?
Шундан бери булбулим йўқ,
Ким узди гулни, ким узди?

Гулим гулмас — гунча эди,
Ҳусни ҳилол, кунча эди,
Жаллод жабринг шунчамиди,
Ким узди гулни, ким узди?

Айтинг, қани кимдан сўрай,
Кимдан сўрай, кимдан кўрай,
Кўргуликка қандоқ кўнай,
Ким узди гулни, ким узди?

Очилмасдан сўлди гулим,
Ҳасрат, ғамга тўлди дилим,
Хазонларга қолди куним,
Ким узди гулни, ким узди?

Мен эрдим шу гулга асир,
Боғ-чаманим энди сағир,
Қарғишларим тутгай ахир,
Ким узди гулни, ким узди?

ЁЗИҒИМГА ЁЗИЛГАН БОШҚА

Тушларимга кирасиз ёлғиз,
Дард узра дард әгилган бошга.
Бошқачасиз,
Ахир бошқасиз —
Ёзигимга ёзилган бошқа.

Орзуларнинг қабри —
Сукунат,
Дийдаларим тўладир ёшга.
Ёзолмайман икки энлик хат,
Ёзигимга ёзилган бошқа.

Сўзим етмас,
Етмайди кўзим,
Хотиротлар айланмас тошга.
Ўз-ўзимни ейман-да ўзим,
Ёзигимга ёзилган бошқа.

Тақдир хароб,
Хароб пешона,
Қайтолмайман ўн тўққиз ёшга.
Оппоқ сочим сиздан нишона,
Ёзигимга ёзилган бошқа...

СЕН МЕНГА КЕРАКСАН

Хоразм халқ қўшиқларига
тазминлар:

Ким ерда, ким фалакда бугун
Ким тилда, ким юракда бугун,
Ким учун ким тилакда бугун,
Сен менга кераксан.

Тоҳирнинг ул Зуҳроси бошқа,
Вомиқнинг гул Ўзроси бошқа,
Не кунларни солсанг бошга
Сен менга кераксан.

Бир чимдим нур-зиё истар ким,
Кўрдим: меҳригиё истар ким,
Бу дунёдан дунё истар ким,
Сен менга кераксан.

Ой, қуёшсиз осмон осмонми,
Бир кун сенсиз яшаш осонми,
Тақдирни қўй, қўйгин замонни,
Сен менга кераксан.

Мен ўт бўлиб ёнсам бўлмас,
Бор ажалдан тонмасам бўлмас,
Бу дунёда қолмасам бўлмас,
Сен менга кераксан.

СЕВСАМ ЎЛДИРАРЛАР, СЕВМАСАМ ЎЛАМ

Бир ўзинг билгин-ай, бир ўзинг келгин —
Қаландар куйлайди дарёдай тошиб,
Дийдамдай эрийди тоғларнинг тоши,
Денгизга айланди кўзимнинг ёши —
Тўксам ўлдираплар, тўкмасам ўлам.

У на замон бўлган, воҳ-ай, на замон,
Гул каби тор қўлда, булбулдай забон,
Бу дунё ёлғон деб, у дунё ёлғон —
Айтсам ўлдираплар, айтмасам ўлам.

Тазмин — бир шонир шеъридан бирор сатр олиб ёки ўхшатма қилиб ёзиладиган шеър тури.

Ғариф оғам бўлди, Санамжон сингил,
Ёлвориб турибман чил-чилдир кўнгил,
Бир ўзинг билгин-ай, бир ўзинг келгин —
Борсам ўлдираплар, бормасам ўлам.

Мен «Ошиқ Ғариф»ни ўртага қўйдим,
Ўйладим, ҳижроннинг кўзини ўйдим,
Ҳасратдан оҳ урдим, аламдан тўйдим —
Кулсам ўлдираплар, кулмасам ўлам.

Йўл юрсам, йўлимда бир юлдуз ёнар,
Армоним-қирқ кокил, бир қундуз ёнар,
Менингсиз чарх уриб давронлар қолар —
Сурсам ўлдираплар, сурмасам ўлам.

Ким деди: — Бас энди, тилни тий, бўлди,
Тинглабон дардингни саргайиб сўлдим,
Мен дедим: — Барибир, барибир ўлдим —
Севсам ўлдираплар, севмасам ўлам.

ПОЛВОНЁПНИНГ БЎЙЛАРИ

Полвонёпнинг бўйлари
Баланд-баланд рош бўлди.
Қизилгулдек ўйларим
Кўзларимда ёш бўлди.

Полвонёпнинг бўйлари
Баланд-баланд рош бўлди.
Бир сумбил соч бўйлари
Менга эгик бош бўлди.

Полвонёпнинг бўйлари
Баланд-баланд рош бўлди.
Хазон рангу рўйларим,
Ўзи қаламқош бўлди.

Полвонёпнинг бўйлари
Баланд-баланд рош бўлди.
Хоразмнинг тўйлари
Юрагимда тош бўлди...

СЕНИ МЕНДАН, МЕНИ СЕНДАН АЙИРДИЛАР

Сен бир юлдуз, ҳилол әдинг фалакларда,
Қаро ерлар қанотимни қайирдилар.
Бир оҳ ёнар, энди икки юракларда,
Сени мендан, мени сендан айирдилар.

Куйма, гулим, дунё ўзи сайёд экан,
Кеча-кундуз, шому саҳар фарёд экан,
Энди биздан тўрт сатр шеър зурёд экан,
Сени мендан, мени сендан айирдилар.

Заҳри қотил-лаблари «бол» лаблар улар,
Доғ устига доғ ўйнатиб гаплар улар,
Дутори бир, танбури бир, дафлар улар,
Сени мендан, мени сендан айирдилар.

Мажнун каби сайдир айласам саҳро қани,
Тоҳир бўлиб оқсам қаро дарё қани,
Оҳлар урдим, охир етар дунё қани,
Сени мендан, мени сендан айирдилар.

Маҳшаргача кўзим кўкка қарам энди,
Ҳамдамим ҳам, ҳар дамим ғам, алам энди,
Қадам, қўлдан тушгунча то қалам энди,
Сени мендан, мени сендан айирдилар.

БУ КЕЧА МЕНИНГ КЕЧАМДИР

Боғлар ўзин хас билмасин,
Тоғлар ўзин паст билмасин,
Бир тирик жон инжилмасин,
Бу кечадир менинг кечамдир.

Чечакларга кўз тегмасин,
Ўтли сўзга муз тегмасин,
Юлдузларга кўз тегмасин,
Бу кечадир менинг кечамдир.

Ўн беш кунлик ойлар кулсин,
Қоши, қадди ёйлар кулсин,
Замин билсин, замон билсин,
Бу кечадир менинг кечамдир.

Ош деганга тош бермасин,
Хеч бир кўзга ёш бермасин,
Бу кеча менинг кечамдир.

Юрак юракка бойлансин,
Ғунчалар гулга айлансин,
Ер шайлансин, кўк шайлансин,
Мард номардга бош эгмасин.
Бу кеча менинг кечамдир...

ҚАДАМИНГГА ГУЛЛАР ОЧИЛСИН

Ҳар бир чечак булбулдир, қара,
Кўнглинг менга кўнгилдир, қара,
Сунбул-сунбул сочингни тара,
Қадамингга гуллар очилсин.

Боғларда гул, тогда лола бор,
Мендек севган қайси бола бор,
Дилда умид, битта нола бор,
Қадамингга гуллар очилсин.

Ошиб борар кундан-кун оҳим,
Мен билмадим, надир гуноҳим,
Йўлларингда ёнди нигоҳим,
Қадамингга гуллар очилсин.

Жисмимда жон, сенсиз ҳушим йўқ,
Сенсиз куним, сенсиз тушим йўқ,
Сендан яхши, яқин кишим йўқ,
Қадамингга гуллар очилсин.

Куйган ёмон, гулим гумонда,
Ингратмагин, дилим гумонда,
Шундай кунда, шундай замонда,
Қадамингга гуллар очилсин.

СЕНГА КҮНГИЛ БЕРСАМ...

Чаман йиғлар, чечак йиғлар, хор йиғлар,
Софинч йиғлар, илинж йиғлар, зор йиғлар,
Аlam йиғлар, ва ғам йиғлар, ор йиғлар,
Тилим йиғлар, дилим йиғлар, тор йиғлар,
Сенга кўнгил берсам анда ёр йиғлар.

Жафоси кўп, сафоси йўқ дунёда,
Хатоси кўп, вафоси йўқ дунёда,
Адоси кўп, баҳоси йўқ дунёда,
Даҳоси кўп, худоси йўқ дунёда,
Сенга кўнгил берсам анда ёр йиғлар.

Ойлар ёниб, йиллар куйиб борадир,
Жон-жигарим тилка-тилка порадир,
Юрагимни энди бир ёр ёрадир,
Энди бир ёр пешонамда қорадир,
Сенга кўнгил берсам анда ёр йиғлар.

Дийдаси тош... сийнамдаги ёш ёмон,
Бир сумбил соч, битта қалам қош ёмон,,
Охирзамон-мангу эгик бош ёмон,
Талош ёмон, артадаги лош ёмон,
Сенга кўнгил берсам анда ёр йиғлар.

Ширин жонга жабр айларман энди мен,
Тилни дилга қабр айларман энди мен,
Бу кунларни абр айларман энди мен,
Ўлгунимча сабр айларман энди мен,
Сенга кўнгил берсан анда ёр йиғлар.

ТОВБА ҚИЛМАСДАН БУРУН

Шайдоий газалига муҳаммас

Тилни тий сан, то абад дилни тилмасдан бурун,
Шиша-дил дарз кетмасин, ўйла, синмасдан бурун,
Даҳри дунда бу умр-дарё тинмасдан бурун,
Оқил, эрсанг, эй биродар, йиғла, кулмасдан бурун,
Сол ўзингни тўғри йўлга, товба қилмасдан бурун.

Қўй, кўнгил, доф ўлма кўп, ёлғончининг озоридан,
Ҳақ ўзи безор эрур ул бандай безоридан,
Қўл қайтаргин, солма кўз, юз ўғир рафторидан,
Кеч бу касби коридан, чиқ бу жаҳон бозоридан,
Дардинга дармонни ол даллол билмасдан бурун.

Гоҳи боғ сайрида бўлгин, гоҳи тогу қирда бўл,
Хоҳи саҳро, чўлда кезгин, хоҳи Жайхун Сирда бўл,
Бирда Ҳотам, бирда Жамшид, шоҳ Сулаймон бирда бўл,
Ваҳми исён бирла бўл, фикр эт, пушаймён бирла бўл,
Тонгла бефойда надомат вақти келмасдан бурун.

Сочи сунбул, орази тар, гул лаблари боллар қани?
Ҳазрати Довуд қанию ул Рустаму Золлар қани?
Срқа-оржак,¹ халта-халта йикқанинг моллар қани?
Бир муносиб ер сани, бағрига босиб ер сани,
Е ғамиргни, ер била яксон бўлмасдан бурун.

Ким қул ўлса нафсига, айлар аввал тани фош,
Тани фошга сол назар, бўлмасингдан гавда лош,
Ҳар тамондан турланиб келса гар миннатли ош,
Үр надам² тошига бош, оқсин кўзингдан тўла ёш,
Дарди ҳасрат бирла ер-тупроққа тўлмасдан бурун.

Бу бир карвонсаройдир ҳар дами орзу армон,
Сарбон уйғоқ, сен нега ғафлатдасан, тур, карвон,
Шу кун бўлса нетарсан ҳақнинг ўзидан фармсн,
Келди чун вақти хазон, фикринг надир, эй боғбон,
На ётарсан, йиг бу гулзорингни сўлмасдан бурун.

Сенга не бўлди Қадам, воҳ бунча ҳам расвойисан,
Ҳақ демай, Ҳолиқ демай жонинг учун савдојисан,
Бир сиқим тупроқсан англаб нега ҳавойисан,
Билмадим, Шайдойисан ё беақл саҳройисан,
Оқил эрсанг, сен ўзингни ўлдир ўлмасдан бурун.

¹ Оржа-оржа — сандиқ-сандиқ.

² Надам-надомат.

БИЛАСИЗМИ?

Соғинди кўнгил, зср бўлди-ку, ёр, биласизми,
Дилдаги дард нор бўлди-ку, ёр, биласизми,
Жонимга жаҳон тор бўлди-ку, ёр биласизми,
Сунбул сочингиз дор бўлди-ку, ёр, биласизми,
Йўллар кўзима мор бўлди-ку, ёр, биласизми?

Умрим кечадир кечалари, кунлари кулмай,
Доф бўлди-ку ой, ҳолимавой, тунлари кулмай,
Тўрт фасли хазон қучди боғим гуллари кулмай,
Ким кулладир, воҳ, аввал охир диллари кулмай,
Хор бўлди бошим, хор бўлди-ку, ёр, биласизми?

Гулбадан ким ё бағри доим тош бўладирми,
Қасдимда мани мангу қалам қош бўладирми,
Бахтимга қора, кўзда фақат ёш бўладирми,
Икки жаҳона бир жоним талош бўладирми,
Бир келмагингиз ор бўлди-ку, ёр, биласизми?

Кунлар ўтадир, йиллар ўтиб куйганим-куйган,
Оҳимни охир ичга ютиб куйганим-куйган,
Йўлларга, нигор, кўзни тутиб куйганим-куйган,
Бир сизни дебон шеърлар битиб куйганим-куйган,
Куймоқ азалий кор бўлди-ку, ёр, биласизми?

ЮРАГИМ САНЧАР

Кўриб, билиб, бугун англадим,
Минг орзуни бир армон янчар,
Тинтиқлашмас синиқ рангларим,
Юрагим санчар.

Асрамадим асабни ўйлаб,
Наслим дедим насабни ўйлаб,
Ким куйлаб, ким кетмоқда ўйнаб,
Юрагим санчар.

Ким пулин, ким ёшин санайди,
Ким ерга, ким кўкка қарайди,
Кўрсам кўзим, сўзим қанайди,
Юрагим санчар.

Шоир яшар юракда фақат,
Қуриб, тошар юракда фақат,
Жуфт-жуфт дардга тоқ келди тóқат,
Юрагим санчар.

Сабрлиmas, бесабр зотман,
Эл эркинми, мен ҳам озодман,
Тирикдурман, мана, ҳаётман,
Юрагим санчар...

ДАВР ЎТАР, ДАВРОН ЎТАР

Кабир ўтар, комрон ўтар,
Жабр ўтар, армон ўтар.
Абир ўтар, аркон ўтар,
Сабр ўтар, сарсон ўтар,
Давр ўтар, даврон ўтар.

Жон бир қушу, тан бир қафас,
Сарҳисобда ҳар дам, нафас,
Ёлғончига қилсанг ҳавас,
Охиратинг охир-абас,
Давр ўтар, даврон ўтар.

Ҳақ йўлини йўлим дедим,
Бўм-бўш-икки қўлим дедим,
Тайёр сафар тўним дедим,
Бир тўй бўлсин-ўлим дедим,
Давр ўтар, даврон ўтар.

Уч ўғил-уч чироқ менга,
Иймон ёлғиз ёроқ менга,
Ул эрмас, бул йироқ менга,
Тутманг аза, фироқ менга,
Давр ўтар, даврон ўтар.

Кечган кечам нафрат била,
Нақши-нигор, ғафлат била,
На илож, на ҳасрат била,
Бандам десун раҳмат била,
Давр ўтар, даврон ўтар.

СЕН ЁР ГЕТГАЛИ

Сайронли боғларим ҳайронда қолди,
Чечаклар, чаманлар вайронда қолди,
Жон каби жўралар ҳар ёнда қолди,
Сен ёр гетгали.

Дуру гаъхар тоглар тошга дўндилаr,
Хазонлар ергамас бошга қўндилар,
Кўзлар халқоб-халқоб ёшга тўлдилар,
Сен ёр гетгали.

Софисам йўлларга қарайман энди,
Сочингмас, хаёлни тарайман энди,
Мен фақат ўлмакка ярайман энди,
Сен ёр гетгали.

«Беш кунлик...» дейману таскиним бекор,
«Бевафо», «ёлғончи» сенингсиз беор,
Менчалик бўлмагай бедаво, бемор,
Сен ёр гетгали.

Қайтиш йўқ орқага, бу йўллар қайтмас,
Кесилсин бу тиллар, у сўзни айтмас,
Ҳаммаси, ҳаммаси бўлар бўлди бас,
Сен ёр гетгали.

КЕЧ ЭНДИ ГУНОҲИМНИ

Сўзларимни қайта сўзга ўрайман,
Минг ўлдим, ман, яна минг бор ўлай ман,
Айт-чи қандоқ пешонадан кўрай ман,
Худоданмас, яна сендан сўрайман,
Кеч энди гуноҳимни.

Бахтим сочинг толасими, билмадим,
Ўзинг ўзга воласими, билмадим,
Умрим шундоқ ёнасими, билмадим,
Сен ҳам инсон боласими, билмадим,
Кеч энди гуноҳимни.

Айбим сени севганимдир, севгилим,
Якка-ёлғиз деганимдир, севгилим,

Қандмас, пандлар еганимдир, севгилим,
Бу дунёга келганимдир, севгилим,
Кеч энди гуноҳимни.

Бир сўз дегин, куйиб кетсин кўймаган,
Ширин жонда ишқ ўтини туймаган,
Икки дунё одам бўлмас суймаган,
Мен бир ғариб дийдорингга тўймаган,
Кеч энди гуноҳимни.

◆ ЯШАТСАНГ ЯШАРМАН,
ЯШАТМАСАНГ ЙЎҚ

Ўйлай-ўйлай охир шу кунга келдим,
Фақат зорим бордир, кўнглинг бўлсин тўқ.
Хоҳлагин, хоҳлама, севгилим, энди,
Яшатсанг яшарман,
Яшатмасанг йўқ.

Ҳар чечак, ўтда бир гуллаш бахти бор,
Йилларнинг тўрт фасли, ўрни, вақти бор,
Ягона юракнинг ёлғиз аҳди бор,
Яшатсанг яшарман,
Яшатмасанг йўқ.

Бир юлдуз сўнса гар — кўкка билинмас,
Ҳар неки ҳасратдир, кўпга билинмас,
Бу умрим сен билан, дунё биланмас,
Яшатсанг яшарман,
Яшатмасанг йўқ.

Тош тишлаб кун кўрган йигитга жабр,
Сабил қолиб кетсин ойу, йил сабр,
Армоним, умидим, бир сўз де, гапир,
Яшатсанг яшарман,
Яшатмасанг йўқ.

Кунда бир тирилиб, минг ўлган ёмон,
Севгилим, ўртада қолмасин гумон,
Хаёлим, ҳаётим, жисмимдаги жон,
Яшатсанг яшарман,
Яшатмасанг йўқ...

Адабий-бадиий нашр

Қадам Сайд Мурод

НА ГУНОҲИМ БОР МАНИ

Шеърлар

Муҳаррир Ф. Камолова. Расмлар муҳаррири Ю. Габзалилов. Техн. муҳаррир У. Ким. Мусаҳҳих М. Хўжаева

Босмахонага берилди 3.06.1996 й. Босишга рухсат этилди 25.06.96 й. Ученими $84 \times 108\frac{1}{2}$. Рӯзнома қогози. Мактаб гарнитура. Юқори босма. Шартли 6. табоби 1,68. Нашр табоби 1,43. Жами 5000 нусха. 4535-буортма. Шаршилома 42-92. Баҳоси шартнома асосида.

«Езувчи» нашриёти. 700129. Тошкент, Навоий кӯчаси, 30.

Узбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг 1-босмахонасида босилди. 700002, Тошкент, Сағбон кӯчаси, 1-берк кӯча, 2-йй.